

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



“Ўзбек геология қидирув” АЖ

Бошқарув раиси

Ш.П.Алимов

2024 йил “15” апрель

**“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти Ахлок
комиссиясининг
1-сонли БАЁНИ**

Тошкент шаҳри

2024-йил “15” апрель

Комиссия раиси:

Молиявий ишлар бўйича директор

Р. Раджапов

Комиссия раиси ўринбосари:

Капитал таъмирлаш ва ижтимоий масалалар
бўйича департамент директори

Ё. Закиров

Комиссия аъзолари:

Бошқарув раиси ўринбосари-бош муҳандис

Ш. Сиражов

Харидлар бўйича директор

С. Когай

Юридик бўлим бошлиғи

Ғ. Чупонов

Қимматбаҳо металллар геологияси бошқарма бошлиғи

Й. Жураев

Ишлар бошқармаси бошлиғи

А. Маджитов

Коррупцияга қарши ички назорат бўлими
бош мутахассиси

Д. Саидахборов

Бошланғич Касаба уюшмаси раиси

М.Иминов

Хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич
ташкилот раиси

Г.Жабборова

Комиссия котиби:

Инсон ресурсларини бошқариш
ва ривожлантириш бўлими бошлиғи

Ф.Умаров

Йиғилиш кун тартиби:

“Ўзбек геология қидирув” АЖ ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг манфаатлар тўқнашуви декларация аризаларини таҳлили кўриб чиқиш.

ЭШИТИЛДИ:

1. Кун тартиби масаласи бўйича Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи Д. Саидахборов Ахлоқ комиссиясига таркибий бўлинмалар ва бошқарув аппарати Кадрлар ва уларнинг малакасини ошириш бўлимининг таҳлилий натижалари бўйича эҳтимолий манфаатлар тўқнашувлари бор ёки йўқлиги тўғрисидаги хизмат хатларини ўқиб эшиттирди. Бунда жами 1 апрел ҳолатига 3253 нафар ходимдан **1969 нафари** манфаатлар тўқнашуви бўйича декларациялар тўлдирди, таркибий бўлинмалар Ахлоқ комиссиялари йиғилиш қарорларига кўра:

Марказий аппарат **181 нафар** (1 та эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви);

“Қизилқум” МГҚЕ **496 нафар** (9 та эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви);

“Марказий лаборатория **89 нафар**;

“Самарқанд” МГҚЕ **500 нафар**;

“Тошкент” МГҚЕ **180 нафар** (3 та эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви);

“Хисор” МГҚЕ **523 нафар** (29 та эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви).

Қолган ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви декларациялар таҳлилини 2-чорак якунида кўриш режалаштирилганини маълум қилди.

Таҳлилларга натижасида тўлдирилган декларацияларда **42 та** эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги, уларнинг аксари марказларда бири бирига бўйсинмасдан ишловчилар ва дала экспедицияларда бир бирига бўйсинувда бўлган яқин қариндошлар эканлигини маълум қилди.

Д. Саидахборов томонидан Ахлоқ комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 121-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори 3-илоvasи, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармаси Давлат меҳнат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигиларининг 2022 йилдаги амалий ёрдам ҳамда тавсия хатларини тақдим этди.

СЎЗГА ЧИҚДИ: Капитал таъмирлаш ва ижтимоий масалалар бўйича департамент директори Ё. Закиров ва Юридик бўлим бошлиғи Ғ. Чупонов Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 121-моддасида “Ўзаро яқин қариндош ёки қандайдир бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланиши”ни бироқ, мазкур модданинг иккинчи қисмида бу қоидадан истиснолар

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланиши мумкинлигини таъкидлади.

Давлат (акционерлик) корхоналарининг Меҳнат кодексининг 121-моддасида назарда тутилган қариндош-уруғларнинг, агар уларнинг хизматлари улардан бирининг бошқасига бевосита бўйсунити ёки назорати остида бўлиши билан боғлиқ бўлса, бирга хизмат қилишларини чеклаш қоидаларидан истисно этилиши мумкин бўлган ходимлари рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, унинг 10-бандида айнан дала геология экспедициялари, партиялари, отрядлари ва участкалари ходимлари қайд этилганлигини маълум қилиб, юқоридаги қайд этилган ҳолатларга мазкур нормани қўллаш мумкин эмаслигини этироф этди.

СЎЗГА ЧИҚДИ: Комиссия раиси Р. Раджапов юқоридаги рўйхат ва тегишли ташкилотлар амалий ёрдамларига таяниб таркибий бўлинмаларда эҳтимолий манфаатлар тўқнашувлари дея тақдим этилган ҳолатлардан фақатгина Жамият бошқарув аппарати ва таркибий бўлинма раҳбарлари (бошлиқ, бош муҳандис, бош геолог), иқтисодий масалалар, ҳамда моддий жавобгар ходимларда манфаатлар тўқнашувлари юзага келганда, шуларнигина эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви дея олиб улар билан ички меъёрий ҳужжатлар талаблари доирасида иш тутишни таъкидлади.

СЎЗГА ЧИҚДИ: Қимматбаҳо металллар геологияси бошқарма бошлиғи Й. Жураев, Бошқарув раиси ўринбосари-бош муҳандис Ш. Сиражов ва Бошланғич Касаба уюшмаси раиси М. Иминовлар сўзга чиқиб Жамият таркибий бўлинмаларида ишга боришни хохловчиларнинг камлиги ва таркибий бўлинмалар марказлардан узоқда ҳамда оилавий кўчиб бориб ишлаш кераклигини эътиборга олган ҳолда Жамиятнинг таркибий бўлинмалари партия, цех, участка ишчи ходимларини ловозимларидаги яқин қариндошларни (моддий жавобгарликка эга ходимлар бундан мустасно) бир жойда ишлашига қаршилиқ қилиш ва эътироз билдириш керак эмаслигини таъкидлашди.

Комиссия аъзоларининг фикр ва таклифларини инобатга олиб:

Комиссия,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Таркибий бўлинмалар таҳлили натижасида эҳтимолий манфаатлар тўқнашувларининг барчаси юқоридаги асосларга мувофиқ манфаатлар тўқнашуви эмас деб ҳисоблансин.
2. Жамият бошқарув аппарати ва таркибий бўлинма раҳбарлари (таркибий бўлинма бошлиғи, бош муҳандиси, бош геологи), иқтисодий масалалар, ҳамда моддий жавобгар ходимлар ва уларнинг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувларига йўл қўйилмасин.

3. Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви сифатида кўрсатилган ҳолатларда қарор қабул қилиш масалалари жамоавий шаклда амалга оширилсин.

4. Кадрлар ва уларни малакасини ошириш бўлими (хизмати) томонидан манфаатлар тўқнашуви назоратини олиб борсин.

5. Коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан доимий мониторинглар ўтказилсин.

6. Мазкур қарор ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Комиссия раиси:

Молиявий ишлар бўйича директор

Р.Раджапов

Комиссия котиби:

**Инсон ресурсларини бошқариш ва
ривожлантириш бўлими бошлиғи**

Ф.Умаров